



САОДАТНИНГ НУРЛИ СОҲИЛЛАРИ

Хайдарова Зилола Ақмал қизи

Жizzax давлат педагогика университети Мактабгача ва бошлангич

йўналишиларда масоғавий таълим кафедраси ўқитувчиси

+99891 593 2664

Аннотация: Хайридин Султон – Бобур Мирзо ҳақида “кўб ва хўб” ёзган ижодкор. Заҳиридин Муҳаммад Бобур шахсига бўлган қизиқиши туфайли адебнинг шу мавзуда бир қанча асарлари ёзилган. Мақолада ана шундай асарлардан бири – Бобур Мирзо ҳаётининг сўнгги кунлари ёритилган “Саодат соҳили” қиссади таҳлил қилинади. Қиссадаги шоҳ ва шоирнинг инсоний қиёфаси, илм аҳлига бўлган муносабати ёритилган ўринлар ўрганилган.

Калит сўзлар: шоҳ ва шоир, бобуршунос олим, гуманистик қараашлар, асар мавзуси, бадиий тафаккур, эстетик таъсирчанлик, инсоний фазилатлар, “Бўстон”, “Боғчасарой фонтани”, тарихийлик, бадиий ҳақиқат.

Аннотация: Хайридин Султан – художник, который «много и много писал» о Бабуре Мирзе. В связи с интересом к личности Заҳириддина Мухаммада Бабура на эту тему было написано несколько произведений писателя. В статье анализируется одно из таких произведений - повесть «Саодат Сахил», которая охватывает последние дни жизни Бабура Мирзы. Выделены места в повести, где человеческий образ царя и поэта, их отношение к людям науки.

Ключевые слова: царь и поэт, ученый Бабур, гуманистические взгляды, тема произведения, художественное мышление, эстетическое впечатление, человеческие качества, «Бостон», «Боғчасаройский фонтан», историчность, художественная правда.

Annotation: Khairiddin Sultan is an artist who wrote "a lot and a lot" about Babur Mirza. Due to the interest in the personality of Zahiriddin Muhammad Babur, several works of the writer were written on this topic. The article analyzes one of such works - the story "Saodat Sahil", which covers the last days of Babur Mirza's life. The places in the story where the human image of the king and the poet, their attitude towards the people of science are highlighted.

Key words: king and poet, Babur scholar, humanist views, theme of the work, artistic thinking, aesthetic impression, human qualities, "Boston", "Boghchasaroy Fountain", historicity, artistic truth.

Мустақиллик йилларида Бобур ижодига бўлган қизиқиш янада ортди. Заҳиридин Муҳаммад Бобур асарлари қайта нашр этилди, ўрганилди. Бундай савобли ишларнинг рўёбидаги бобуршунос олимларимизнинг хизматлари бекиёс. Шоҳ ва шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда ва тарғиб қилишда Халқаро Бобур фондининг



амалий фаолияти эътирофга лойик. Бобур ва бобурийлар адабий, илмий, маданий меросини ўрганишга қаратилган экспедициянинг хайрли ишлари бошида Зокиржон Машрабовдек фидойи, миллатпарвар, жонкуяр инсон турди. Экспедиция аъзолари нафақат Бобур асарларини, балки жаҳон адабиёти дурдоналарини ва экспедиция сафари хотираларини ёритувчи сафарномаларни ўзбек китобхонларининг қўлига етиб боришида катта меҳнат ва масъулиятни зиммаларига олмоқдалар. Заҳириддин Бобур ижодий фаолиятини ўрганиш жараёнида Халқаро экспедиция вакиллари ижодкор ҳаёти ва фаолиятига дахлдор кўплаб адабий манбаларга эга бўлишди ва Мирзо Бобур шахсиятига оид бир қанча асарлар ўзбек китобхонлари қўлига етиб борди. Хусусан, Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома”, Қамчибек Кенжанинг “Ҳинд сориға”, “Бобурийлардан бири”, “Андижондан Даккигача” асарлари фикримизнинг яққол далилидир. Қолаверса, Япониялик олим Эйжи Манонинг “Бобурнома” бўйича олиб борган илмий-тадқиқот ишлари, америкалик олим Беркнинг “Ақбаршоҳ-бобурийларнинг энг буюги” асари, инглиз адебаси Румер Годеннинг “Гулбадан”, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асари, “Бобурнома”нинг инглиз, олмон, француз, рус тилларига таржима қилиниши бобурийлар ижодига бўлган қизиқишлиарнинг юксак эканлигидан далолатдир.

Хайриддин Султон ҳам Бобур шахси ва ижоди бўйича бир қанча асарлар ёзган, илмий экспедицияларда қатнашган адаб. Хайриддин Султон ижодини кузатар эканмиз, адаб асарларида тарихийлик мезонлари бир қанча асарларида акс этганлигини кўрамиз. Айниқса, адебнинг Бобур Мирзо шахсиятига бўлган ўзгача меҳри туфайли чин маънода адабиётимизда гултожи асарлар яратилишига замин бўлди. Адебнинг ўзи эътироф этишича, Бобур Мирзога бўлган меҳри унинг “Толе йўқки жонимға балолиг бўлди...” мисралари билан бошланувчи рубоийларини ўқиш асносида болаликдан бошланган. Кейинчалик заковатда, мурувватда, матонатда, мардликда тенгсиз бўлган шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг инсонийлигига қизиқиши уйғонади. Бобур Мирзони отасидай, онасидай, фарзандидай севиб қолди: “Шу йўсин, — деб ёзади адаб кейинчалик, — Бобур Мирзонинг мардлик ва мурувватда, заковат ва матонатда тенгсиз шахсиятига мафтун бўлиб қолдим.

Мен уни отамдай, онамдай, фарзандимдай яхши қўриб қолдим. Қарийб йигирма йилдирки, шу мафтункор ишқ билан сармаст яшайман”.[5;15]

Хайриддин Султон ижодининг асосий қисмини Бобур Мирзога бағишланган асарлар ташкил этади. “Ой ботган паллада”, “Саодат соҳили”, “Паноҳ”, “Тавба”, “Бобурнинг тушлари”, “Нуқта”, “Бобурийнома” каби асарларида ёзувчи Бобур Мирзо шахси, унинг гуманистик қарашлари-ю чин инсоний фазилатларини куйлади.

Маълумки, “яхлит воқеани тасвирлаш асносида ҳикоянавис ё шу воқеанинг, ё унинг воситасида характернинг моҳиятини очиб беради”.[6; 393] Ўз бадиий ниятига кўра асар ғоясига хизмат қиласиган материални саралаб, ажратиб олиш, характерларни муваффақиятли ёритиш, ишнинг аниқ ва равшанлиги ҳикоя муваффақиятини таъминлайди. Ана шундай муваффақият сирларини мукаммал

ўзлаштирган ижодкор Хайриддин Султоннинг ижодий имкониятлари унинг ҳикояларида яққолроқ кўзга ташланади. Гарчанд эпик жанрнинг энг кичик намунаси сифатида баҳоланса-да, бაъзи ҳикояларда қисса ва романларга тенг мазмунни топиш мумкин. Қолаверса, таҳлил ва талқин масалаларида устозлардан етарли сабоқни ўзлаштирган ижодкор асарлари, албатта, ўз ўқувчисини топади. Адибнинг ҳикоялари ҳам шундай жараёндан ўтган, зуваласи пишиқ асарлардир. Хайриддин Султон Бобур Мирзо ҳаётидан олинган “Ой ботган паллада” ҳикоясининг матбуотда эълон қилиниши жараёни ҳақида ёзар экан, бир асарнинг китобхон қўлига етиб бориши учун қанчадан қанча элаклардан эланиши лозимлигини батафсил айтиб ўтади. Дастрраб ҳикояни муаллифнинг ўзи ёзганига ишонишмайди ва қолган ижод намуналариниям сўрашади: “Талабалар шаҳарчаси билан редакция ораси узоқ, аммо “маршрутка” йигирма тийинга обориб қўяди. Кунора бўлмаса ҳам, ҳафтада бир бориб хабар олиб тураман. Ва ҳар сафар ажиб муждалар эшитиб қайтаман; бўлим мудири ўқияпти, адабий котибга ўтди; масъул котиб танишмоқчи...”

Бир куни давлат сирини ошкор қилгандек пицирлаб айтишдики, бош муҳаррир ўринбосари Ваҳоб акага бердик!” [2;198] Асар босилишга рухсат берилгандан сўнг ҳам редакциядагилар ёзувчига Пиримқул Қодировнинг ҳам олдидан ўтиш лозимлигини, чунки бир томони андиша, иккинчи томондан эса адибчалик Бобур Мирзо ҳаёти ва фаолиятини мукаммал биладиган ижодкор йўқ эканлигини айтишади. Қолаверса, замона зайли билан Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи тақиққа учраган, китобхонлар қўлига етиб бориш учун рухсат берилмаётган эди. Адибни ўзига устоз деб билган Хайриддин Султон учун бу катта шараф, катта ютуқ эди. Ёзувчининг ҳикоялари “Гулистан” журналида эълон қилинади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Хайриддин Султон ҳикоялари адабиётнинг етук вакилларидан сабоқ олган ёзувчи Хайриддин Султон ҳам нуктадон устозларидек моҳир ҳикоянавис бўлади. Ана шу ҳикоялар эса келажакда катта-катта асарларнинг ёзилиши учун пойдевор бўла олди.

“Саодат соҳили” қиссаси ҳам ана шу пойдеворлардан яралган гўзал бинодир. Асар 1981 йилда ёзилган. Асарнинг асосий воқеалари Бобур Мирзо ва Ҳофиз Кўйкий муносабатларига қурилган. Агар асарни синчиклаб ўқисак, Бобур Мирзонинг ҳам шоҳ, шоир, ҳам оддий инсон сифатидаги қиёфаси ёрқин бўёқларда чизилганлигига гувоҳ бўламиз. Қиссада Бобур Мирзо ҳаётининг сўнгги кунлари маҳорат билан ёритилади. Ватан соғинчи ва фироғи билан яшाइтган Захириддин Муҳаммад Бобур, ўзга элларда отасининг дарагини суриштириб бевақт, фожиали вафот этган Биноқул, жаҳонгашта, қўнгли пок, Бобурга чин ихлосманд бўлган Ҳофиз Кўйкий каби образларнинг қалб кечинмалари, дард-ситамлари, алам ва фифонлари асарнинг ҳар бир нуктасида акс этиб туради.

“Ижодда ақл – ақлдан қувват олади” деган анъана хукм суради. Бу дегани бадиий ижод – анъана ва новаторлик асосида яратилади. Замондош шоирлар қадимдан ҳозирги давргача яшаб ижод этган жаҳон ижодкорлари асарларини ўқиб

илҳомланадилар”, [3;153] - дейди бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмон. Дарҳақиқат, қисса воқеалари билан танишган китобхон кўз ўнгида “Бобурнома”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи воқеалари гавдалангандек бўлади. Лекин асарнинг бадиий савияси, тил услуби, тасвирлаш маҳорати ўзгача. Ёзувчи Бобур Мирзони нозик қалб эгаси сифатида тасвирлайди:

“Боғи Нурафшоннинг яшил қўйнида ярқираб турган оқ мармар саройда Афғон, Хинд ва Бангола ўлкаларининг мутлақ ҳукмдори – кейинчалик европалик муаррихларнинг “фаромушхотирлиги” туфайли тарих саҳифаларига “Буюк Мўғул империяси” деган мубҳам ном билан битилгувчи улкан салтанат соҳиби Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо аркони давлат билан эрталабки машварат ўтказмоқда”. [1;89]

Зукко ўқувчи, европалик олимларнинг фаромушхотирлиги таъкидланган нуқталарда ёзувчининг зарифона кинояси, истеҳзосини ҳис этади. Асарнинг шу қисмида Бобур Ҳофиз Кўйкий билан учрашади. Ҳофиз Кўйкийнинг Тошкентдан келганини эшитган шоҳ қалбида алланечук ҳис-туйғулар жўш ура бошлади. Аркони давлати Абдулвоҳид Фориғийдан у зотнинг таърифини сўрайди: “ – Мавлоно Фориғий, - деди оҳиста, - бу зот ким бўлса экан? Сизнинг ҳеч эшитганингиз борми?

Абдулвоҳид Фориғий дамқиса касалига мубтало эди, ўрнидан қўзғалиб. Ҳансираганча сўз бошлади:

- Олампаноҳ, сизни йўқлагувчи бу зот Мовароуннахрнинг машхур алломаларидан бўлур. “Кўйкий” тахаллус қилибдур, деб эшитганим бор. Тошкандда эканимда бир китобатини мутолаа қилиб эдим. “Рисола фи фани аттафсир ва-л усул ва-л фуру' ва-л мантиқ ва-л қалом” деб ном бермишлар экан, шоён таҳсинга сазовор эди. Яна бир нима таснифлари бор, алалхусус, илми тарихда беназирдур”. [1;90]

Тошкент сўзини эшитган Бобур хаёли узоқ ўтмиш томон кетади. Беихтиёр, қалбида жўш урган соғинч ҳисси Нўён кўкаaldoш, Ғулда Қосимбек, Холдор, Миршоҳ қавчин, Қўчбекларни хотирлаш билан қўшилиб кетади. Бобур Мирзо уларни яхши ва ёмон кунларидаги ҳамроҳ, баъзиларини эса хиёнаткор инсонлар сифатида хотирлайди. Йигирма етти йил олдинги ҳолатлар шоҳнинг кўз олдидан бирма-бир ўтади. Ҳам қалби, ҳам сўzlари титраб, Ҳофиз Кўйкий билан дийдор кўришади.

“Саодат соҳили” қиссасида нозик ташбеҳлар, ўхшатишлар, Бобур Мирзо шахсиятини очиш учун ҳусни таълиллардан фойдаланади. Адібнинг маҳорати ҳам шундаки, гарчанд “Бобурнома”дан ижодий фойдаланган бўлса-да, лекин қисса давомида баёнчиликка асло йўл қўймайди. Баҳодир Карим таъбири билан айтганда, нависликни эга-кесимдан иборат жараёнга айлантирмайди. [4;6] Қолаверса, адид Бобур Мирзо фаолиятини бадиий идрок этишда устоз адид Пиримқул Қодиров тажрибаларига суюнганини кўришимиз мумкин. Абдулла Қодирий, Ойбек, Пиримқул Қодировдек тарихнавис ёзувчиларнинг ижодидан баҳрамандлик, айни пайтда тарихга мурожаат қилган ёзувчи зиммасида турган масъулиятни ҳис этиш, ўзидаги алоҳида



CANADA



CANADA

истедод туфайли Хайриддин Султон Бобур Мирзо яшаган давр, мухит билан ўз даври, ўз замонаси аро робита, боғланишлар топа олган.

Ёзувчи қисса ёзилиш асносида тарихий ҳақиқатни бадиј асарга сингдириб юборади. Бобур Мирзонинг Обибурдон қишлоғидаги чашма бошига – тошга ёздирган байтини келтириб ўтади: “Ахир биз бир пайтлар Кобил сари отланганда худди шундог йўл тутмиш эдик! Сиз эса, букун гўё билгандек, ортимиздан изма-из юриб келибсиз. Во ажаб! Обибурдондан ошған чоғимиз бир чашма лабида тўхтаб эдик. Шу чашма ёқасида бир тошга байт ҳам ёздириб эдим. Баногоҳ кўзингиз тушгани йўқми?

Олим афсусланиб бош чайқади:

- Ҳеч, олампаноҳ... Не байт эди ўзи?
- Ҳануз хотиримдан ўчган эмас, - деди Бобур, - Жонфизо байтлар эди:

Шунидун ки, Жамишиди фарруҳ сиришт,

Ба сарчашинае бар санге навишт:

“*Бар ин чаима чун мо басе дам заданд,*

Бирафтанд чун чаим барҳам заданд...” [1;101]

Бобур Мирзонинг ўзи ҳам ўз хотирасидан ҳайратга тушади. Байтнинг ёдидан чиқмаганлиги, унинг учун ғоят аҳамиятли эканлиги Бобур Мирзонинг дилида ажиб ҳисларнинг түғёнига сабабчи бўлди. Айни шу воқеа “Бобурнома”да ҳам келтирилган бўлиб, ёзувчи уни бадиј адабиётга олиб кирди. Энг ҳайратлиси, ўша тош, ўша чашма, ўша худуд асрлар ўтиб тадқиқ қилинар экан, худди ўша ҳолатда олимлар томонидан топилади, тадқиқ қилинади. Қутлуг табиатли Жамшид подшо бу булоқ бошига келди ва кўплар келганлигини, ўтирганлигини ҳамда улар ҳам кетганлигини байтда ёзади. Мана шу эпик тасвирдан Саъдий Шерозий “Бўстон” асарида фойдаланган эди:

Кўплар ҳам бу чаима бошига етди,

Сув ичди, дунёдан кўз юмиб кетди.

Қанчаси зулм ила оламни олди,

Гўрга ўзи кетди, олгани қолди.

Мана шу байт орадан уч аср ўтиб, Бобур Мирзонинг қалбига ҳам титратма солади. Қалбидан ўтган кечинмаларни абадиятга муҳрлаш, келажак авлодга эслатиш учун тошга битади. Ҳайратлиси, яна орадан уч аср ўтгач, рус шеъриятининг энг ёрқин вакили Александр Пушкин ҳам “Боғчасарой фонтани” асари учун эпиграф қилиб Жамшид подшонинг булоқ бошига етгани ҳақидаги байтни танлайди. Асрлар силсиласидан ўтиб келаётган ушбу мисралар биз учун дунёning ўткинчилигига ишорадир. Бу чашма – умр, кўплар келди, келганларнинг барчаси кетди. Бугун чашманинг бошида биз ўтирибмиз, биз унинг сувларидан баҳра олмоқдамиз. Лекин ҳаммамиз ҳеч бир истисносиз кетамиз. Бу – абадият қонуни. Фақатгина ўзимизнинг эзгу амалларимиз, эзгу сўзларимиз, эзгу ниятларимиз билан ҳақиқат йўлидан бора олсак, дини, тили, эътиқодидан қатъи назар келажак авлод эслайди. Бобур Мирzonинг ҳаётий қарашлари, эътиқоди, аъмоллари ва амалларининг бугун жаҳонда ҳам қадр-

қимматини йўқотмаганлиги шоҳ ва шоир даҳосининг нақадар дилбар шахс бўлганлигидан далолат беради.

Бобур Мирзони бутун жаҳон эътироф этиб турган ёрқин шахсияти, инсоний даҳоси асрлар оша башариятнинг йўлини ёритиб турувчи маёқ вазифасини ўташи асар бадииятига сингдириб юборилган. Ёзувчи “Саодат соҳили”нинг саодатли манзилларидан китобхонни маърифат булогининг чашмаларидан баҳра олишга ундаиди. Ҳофиз Кўйкий билан бўлган сұхбатида шоҳ Бобур тилидан “Насойим ул-муҳаббат”нинг муҳаббатли шабадаларидан парча келтиради: “Бирор алард ин савол қилдиким, дарвишлик сизга маврусадир ёки муктасаб? Алар дедилар: тангри ҳукми била бу саодатқа мушарраф бўлдук, - дея кўнглига беҳад марғуб бўлган парчани ҳафти қироатнинг инжад товланишлари билан таъкидлади Бобур. – Дерларки, аларга ҳаргиз қул ва додак бўлмас эрмиш. Алардин бу маънида сўрабтурлар. Алар дебтурларки, қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!” [1;94]

Яна бир ўринда имом Муҳаммад Ғаззолийнинг китобга бўлган меҳрини таъриф-тавсифлайди. Китобни ўқиганда қалб қўрига жойлай олишни, китоб шунчаки безак эмас, инсон маънавий камолотининг бош мезони бўлиши лозимлигини адиб маҳорат билан Бобур Мирзо тилидан келтириб ўтади.

Ҳар қандай бадиий асарни синчиклаб ўқиш, таҳлил қилиш, муносиб баҳолаш мунаққиддан масъулият талаб этади. Ҳам илмий савия, ҳам эстетик дид бўлиши лозим. Қолаверса, асарнинг бадиий савиясини китобхонларга етказиб бериш осон эмас. Хайриддин Султон асарларини ўқир эканмиз, тили ва услуби содда, ўқишли, равон эканлигини кўрамиз. Ана шуларни мулоҳаза қилганимизда ёзувчининг ижодий концепцияси, лабораторияси нақадар бой эканлигига амин бўламиз.

Адолатли мунаққидимиз А.Қаҳҳорнинг ажойиб бир фикрлари бор: “Юртни обод қиласман деганинг ўзи обод бўлади”. Дарҳақиқат, юртининг ободлиги ва фаровонлиги учун жон чеккан инсонлар халқи олдида ҳам обод бўлади. Тарихимизга назар ташласак, ҳам юрт обод қилган, ҳам ўзи обод бўлган аждодларимизнинг кўплигига гувоҳ бўламиз. Жаҳон тарихида насл-насабига муносиб обод бўлган шахслардан бири – Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Ўзининг ҳаёти билан ибрат мактаби бўлган Мирзо Бобур ижодий фаолияти билан тарихга ўз номини зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйди. Сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Менга қилса юз жафо, бир қатра фарёд айламам,

Элга қилса бир жафо, минг қатла фарёд айларам.

байтлари ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётига тааллуқлидир, десак хато бўлмас.

Ана шундай мангуликка дахлдор бўлган шахс қиёфасини маҳорат билан чиза олган Хайриддин Султоннинг “Саодат соҳили” қиссасидан тараалган зиё китобхонларни Бобур Мирзодек буюк авлодларимиз барпо этган одамийлик соҳиллари томон бошлаб туриши аниқ.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хайриддин Султон. Соодат соҳили. Т.: F. Fулом номидаги НМИУ, 2005, 142 бет
2. Султон, Хайриддин. Навоий – 30. Жанри йўқ китоб. – Т.: “Машхур-пресс” нашриёти, 2022. 495 бет.
3. Сирожиддин Сайид. Юз оҳ, Захириддин Муҳаммад Бобур. Т.: Ўзбекистон, 2010, 156 бет.
4. Баҳодир Карим. Руҳият алифбоси. Т.: F. Fулом номидаги НМИУ, 2018, 364 бет
5. Умарали Норматов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2006-йил 3-сон.
6. Д.Қуронов ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. 2016, 475 бет.